

10-21-2018

FORMATION HISTORY AND COMPOSITION OF ROMAN ORDERS

Sh. Yunusov

Tashkent Architecture and Construction Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/samgai>



Part of the [Architecture Commons](#)

Recommended Citation

Yunusov, Sh. (2018) "FORMATION HISTORY AND COMPOSITION OF ROMAN ORDERS," *Problems of Architecture and Construction* ": Vol. 1 : Iss. 3 , Article 8.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/samgai/vol1/iss3/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in "Problems of Architecture and Construction " by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

FORMATION HISTORY AND COMPOSITION OF ROMAN ORDERS

Cover Page Footnote

The journal is published under the sponsorship of Samarkand State Architecture and Civil engineering Institute



ME'MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА PROBLEMS OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION

(ilmiy-texnik jurnal)
(научно-технический журнал)
(Scientific and technical journal)

2018, № 3
2000 yildan har 3 oyda
bir marta chop etilmoqda

Журнал ОАК Хайъатининг қарорига биноан техника (қурилиш, механика ва машинасозлик соҳалари) фанлари ҳамда меъморчилик бўйича илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига киритилган
(гувоҳнома №00757. 2000.31.01)

Журнал 2007 йил 18 январда Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида қайта рўйхатга олиниб 09-34 рақамли гувоҳнома берилган

Бош муҳаррир (editor-in-chief) - т.ф.н. доц. С.И. Аҳмедов
Масъул котиб (responsible secretary) – т.ф.н. доц. Т.Қ. Қосимов

Таҳририят хайъати (Editorial council): м.ф.д., проф. М.Қ. Аҳмедов; ф.м.ф.д., проф. Ж.А. Акилов; т.ф.д., проф. С.М. Бобоев; т.ф.д., проф. К.Б. Ғаниев; и.ф.д., проф. А.Н.Жабриев; т.ф.н., к.и.х. Э.Х. Исаков (бош муҳаррир ўринбосари); т.ф.д. К. Исмоилов; т.ф.н., доц. В.А. Кондратьев; т.ф.д. проф. С.Р. Раззоқов; УзР.ФА академиги, т.ф.д., проф. Т.Р. Рашидов; арх.ф.д., проф. О. Салимов; т.ф.н. доц. А.С. Султонов; т.ф.д., проф. Х.Ш.Тўраев; м.ф.д., проф. А.С. Уралов; т.ф.н. доц. В.Ф. Усмонов; т.ф.д., проф. Р.И.Холмуродов; т.ф.д., проф. Шукуров И.С. (Россия, МГСУ)

Муассис (The founder): Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Таҳририят манзили: 140147, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70.
Телефон: (8-366) 237-18-47, 237-14-77, факс (8-366) 237-19-53. ilmiy-jurnal@mail.ru

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма, илмий ва амалий маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Обуна индекси 5549

© СамДАҚИ, 2018

FORMATION HISTORY AND COMPOSITION OF ROMAN ORDERS

Yunusov Sh.Kh. PhD student

Tashkent Architecture and Construction Institute

It is interesting to know the stages of the historical formation of Roman orders in ancient Roman architecture. The Roman architecture influenced the development of world architecture. Roman orders have begun the new stage of order in European architecture. Later, the order used in all European public buildings was replaced by modernity, multi-tribalism, and the formation of another tribal order.

Keywords: order, ancient Rome, Roman architecture, modernity, tribal order, formation.

РИМ ОРДЕРИ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ВА КОМПОЗИЦИЯСИ

Юнусов Ш.Х. – докторант (ТАҚИ)

Интересно знать этапы исторического формирования римских ордоров в древнеримской архитектуре. Римская архитектура повлияла на развитие мировой архитектуры. Римские ордоры начали новый этап ордора в европейской архитектуре. Позднее, используемый во всех европейских общественных зданиях, был заменен на современность, многоплановый и формирование другого тосконского ордора.

Эрамиздан аввалги IV асрда римликлар бутун Италияни, II асрда эса барча Ўрта Ерденгизи худудини истило қилиб, Принеядан Кичик Осиёгача бўлган улкан давлатни тузган (шакллантирган). Бир неча асрлар давомида Рим давлати Республика мақомида бўлиб, милодий 31 йилдан империяга асос солинди. Республика даврида (милодий V- I асрларда) архитектуравий композициялар (ишланмалар) римликлар учун намуна бўлиб хизмат қилдики, Қадимги Грециянинг классик ва эллинистик даврлари билан тўғри келади. Аристократ кул Республикаси даврида римликлар грек ордорларини қўллашган (фойдаланишган), айниқса коринф ва ионик ордорларини. Қадимги Рим архитектураси маданиятида рим ордорларининг тарихий шаклланиши босқичларини билиш аслида жуда қизик. Ушбу мақола ҳозирда кенг қўлланилиб келинган архитектуравий композиция шунчаки эмас, балки улуғворлик, тантанаворлик уларнинг жимжимдорлик акс этган биноларининг кейинчалик бутун дунё халқларини хайратда қолдирган услубларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу билан эса моддий гўзалликнинг биз билмаган Рим ордорининг тарихий композициялари ҳақида яқиндан таништиришга ҳаракат қилинади. Кейинги давр – императорлик даври ва уни (милоддан аввалги 31 аср – эрамизгача 5 асргача) 3 та босқичга бўлишимиз мумкин.

Илк босқичда архитектура, (I-аср эрамиздан олдинги, I-аср эрамизгача) ҳукуматнинг кучайиши билан тавсифланиб, композицион ечимларнинг оддийлиги билан

ажралиб турарди. Унинг намунаси сифатида грек классик архитектураси ҳисобланарди. Асосий ёдгорлик орасида Августа форуми билан Марса Ультор храми эди. Храм коринф ордорлари бир бирига жуда яқин жойлашган, яъни интерустунлик устунлари 1.5 метр устун диаметри билан белгиланган. Римда конструктив тизими кенг тарқалиб, девор ва ёпмаларда пишиқ ғишт комбинациясига асос солиниб, тошли бетон деб атала бошлади. Қадимги Рим архитектураси императорлик даврида монументал биноларни қурилишида бетон аралашмалари пишиқ ғишлардан ишлатишган, улар эса бинони композицион таркибий имкониятини кенгайтирган. Ўша пайтда уй жой қурилиши икки турга бўлинади: шахсий турар жойлар (домуслар) ва камбағаллар учун кўп қаватли уйлар (инсулар). Помпейда кўп қаватли турар жойлар сақланиб қолган.

Император даврининг иккинчи босқичи Рим империясининг олтин даври деб аталади. Ушбу давр мобайнида Дамашқлик архитектор Аполлоноруснинг Рим учун энг йирик архитектура ансамбли – Рим императори Трянининг форуми бўлиб, унда унинг ҳажми ва композицион ечимининг хилма-хиллиги билан эмас, балки безакнинг бойлиги билан ҳам ажралиб турарди. Суд биноси учун қурилган янги жамоат биносига тегишли (тури) – “базилика” (грек.basilike – царский дом) пайдо бўлди. Бино планда тўғри тўртбурчак ичкаридан устун ёки столб билан тикланган бир неча йўлак - нефларга бўлинган. Император даврининг учинчи

босқичида (милоддан аввалги III аср) архитектуравий декорга энди қизиқиш бошлангани, яъни кенг масштабда қизиқиши билан характерлидир. Империянинг шарқий ва жанубий вилоятларида декоратив ордер услубларидан кенг фойдаланишган, айниқса аркали антаблемент, такрорланувчи арка шакли ва ундан ўтиб горизонтал камар кенг тарқалган. Император Константин (мил.авв 306-337) даври Рим антик архитектураси ривожланишининг сўнги босқичи бўлди. Милодий 330 йилда Константин пойтахтни Константинополга кўчирди.

Ҳар бир тарихий давр ордерни ўзига хос бадиий мукамалликни ривожлантиришга уриниб, изоҳлайди. Ордерни ҳар бир давр ўзига хос тавсифлаб қўллаб келади, лекин унинг викорлиги ордерлиги йўқолмади. Ордер қўллашдаги тартиб ҳар бинонинг ўзига хос симболи бўлиб хизмат қилган. Антик даврдан бизгача етиб келган архитектуравий ордерлар назарияси баён этилган ягона манба - бу Рим архитектори ва ҳарбий муҳандиси (эрамизгача I асрнинг 2-ярми) Марк Витрувийнинг асаридир. Витрувий "Архитектура ҳақида 10 китоб" деб номланган асарининг 3, 4 ва 5-китобларини архитектуравий ордерлар назариясига бағишлаган. У ордерларни ионик, дорик, тоскан ва коринф турларига бўлади ва уларнинг қурилиш қонуниятларини асослаб беради. Витрувий ушбу ордерларни ишлаб чиқиш, уларнинг қисмлари, ўлчамларини аниқлаш учун шартли ўлчов бирлиги - устуннинг пастки диаметрига тенг бўлган модулни яратади ва қўллайди. Модул ёрдамида содда рақамлар нисбатини қўллаган ҳолда ордерлар қисмлари шакллариининг ўзаро мутаносиблигини аниқлаш имкониятига эга бўлади. Витрувий устунлар орасидаги 5 хил масофани белгилади. Булардан тўрттасини тош архитравга, биттасини ёғоч архитравга мослаган. Витрувий қодалари кейинги авлод архитектура назарийчиларига дастуриямал бўлиб хизмат қилади ва қурилишда кенг қўлланилади. Италиянинг Уйғониш даврида (XV-XVI асрлар) архитектуравий ордерлар туркумини ўрганиш, уларга хос гармоник пропорционалликларни таҳлил қилиш давом этади ва шу даврнинг кўзга кўринган икки архитектори Джакомо Бароцци Виньола (1503-1573 й) ва Андреа Палладио (1503-1580 й) асарларида ўз ифодасини топади. Улар тўрт ордер: тоскан, дорик, ионик ва

коринф ордерларидаги пропорционалликларни ишлаб чиқади ва уларга бешинчи ордер композит (мураккаб) ордерини қўшади.

Виньола ва Палладио ўзларининг назарияларини ишлаб чиқишда Витрувий асарлари ва антик Рим архитектураси тажрибаларини ўрганишга таянишади. Палладио ва Виньола ордерлари содда (тоскан, дорик) ва мураккаб (ионик, коринф ва композит) ордерларига бўлинади. Витрувийдек Виньола ва Палладио ҳам ордерларнинг барча ўлчамларини модул ёрдамида аниқлаганлар. Виньоланинг модули устун пастки диаметрининг радиусига тенг ва оддий ордерларда 12 партга (қисмга), мураккаб ордерларда 18 партга (қисмга) бўлинади. Палладио тоскан, ионик, коринф ва композит ордерларида модул сифатида Витрувий каби устун пастки диаметрини қабул қилиб, уни 60 минут (қисмга) бўлган. Дорик ордерда модулни устуннинг пастки радиусига тенглайди ва 30 қисмга бўлади. Устунлар кенг, бемалол жойлашганда ордер таркибида устун ва антаблемент мавжуд бўлади. Устунлар аркалар билан биргаликда жойлашганда эса ордер таркибига пьедестал ҳам қиради. Виньола антаблементнинг умумий баландлигини устун баландлигининг 1/4 қисмига тенг қилиб олган. Палладиода эса содда ордерларда антаблемент баландлиги устуннинг 1/4 қисмига, мураккаб ордерларда устун баландлигининг 1/5 қисмига тенгдир. Виньола ва Палладио ордерлари баландликларининг нисбатларини қуйидаги жадвалларда кўриш мумкин:

Устун баландлиги модулда	Тоскан	Дорик	Ионик	Коринф	Композит
Виньолада	14	16	18	20	20
Палладиода	7	16	9	9,5	10

Устун ораликларининг ўлчамларидаги фарк қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

Устун баландлиги модулда	Тоскан	Дорик	Ионик	Коринф	Композит
Виньолада	$4\frac{2}{3}$	5.5	4.5	$4\frac{2}{3}$	$4\frac{2}{3}$
Палладиода	4	5,5	2.25	2	1.5


Виньола ва Палладио ордерларининг қисмлари бир неча архитектуравий

обломлар (майда элементлар) дан таркиб топиб, уларнинг номлари қуйидагича: тўғри чизиқли элементлар (таёқча, тасма), эгри чизиқли содда элементлар (ёстикча, ёстик, ярим ёстик, ярим айлана, тескари ярим айлана) ва эгри чизиқли мураккаб элементлар (ғозча, тескари ғозча, пошнача, тескари пошнача ва скоция). Уюмча ва тасма обломлар биргаликда астрагал деб аталади. Устун қуйидаги асосий таркибий қисмларга бўлинади: пастки қисм(база), асосий тана қисми-даста (фуст) ва тугал тепа қисми боша (капитель). Устун танаси тепасида астрагал, пастки қисмида эса база билан тугалланади. Устун танасининг 1/3 қисми тўғри бўлиб, 2/3 қисми тепага қараб ингичкалашиб боради, яъни энтасиз ҳолатини олади.

Тоскан ордерида ташқари барча ордерларнинг устунлари каннелюралар билан безатилган. Дорик ордер устунда чуқур бўлмаган, учлари ўткир 20 та каннелюра, ионик ордерда эса 24 та чуқур каннелюралар мавжуд. Бу каннелюралар вертикал оралиқлар билан ажратилган. Устун базасининг баландлиги барча ордерларда устун пастки қисмининг радиусига тенгдир. Тоскан ва дорик устунларининг бошалари бир хил таркибий қисмга: абак, эхин ва бўйинга эгадир. Ионик устун бошаси валюталарни ҳисобга олмаганда пастки радиусининг 2/3 қисмига тенг бўлиб, тўртбурчак абак, валютали, ёстикча, балюстрада ва иониклар билан безатилган эхинга эга. Валюта кўзининг тузилиши Виньола ва Палладиода қисман фарқ қилади. Коринф устунининг бошаси пастки радиусининг 2 қисмига тенг бўлиб, қўнғироқ ва абакдан таркиб топган. Унинг безак қисми – икки қатор акант барглари, бурчак ва ўртада жойлашган валюта ва гулдан иборат. Бошанинг чизмаси асосий тархда тўрт диагонал ва ўрта ўқлар ёрдамида амалга оширилади. Антик анъанага кўра дорик ордер фризи тригриф ва метопалардан иборат. Карниз эса барча тугалловчи қисмларни ўз ичига олади. Карниз тахтаси пастдан юқорига қараганда софит деб аталувчи бадий безак элементларига эга. Умуман олганда ордерни тавсифлашда

Витрувий – ордер пастки қисми диаметрига тенг бўлган модул тизими қўллаган эди.

Рим архитектурасида, кейинчалик бошқа Европа мамлакатлари ва собиқ иттифок республикалари архитектурасида ҳам деворларни ордерлар ёрдамида вертикал бўлақларга бўлиш ва ордерларни декоратив безак тарзида қўллаш кенг тарқалган. Бунда устун девор сатҳидан ўз диаметрининг ярмигача бўртиб чиқиб турган ёки пиллястрга айланган. Умуман Қадимги Римда тоскан ордери пайдо бўлди (дорик ордернинг содалашган варианты: Ордер канеллюрасиз, базага эга, фриз қисми доимо силлик) ва композит ордер – коринф капители ионик валют билан бирга қўшилган. Коринф ордери Қадимги Рим архитектурасида турли мураккаблиги билан: ўйма декорга бойлиги, карниз ости мураккаб модульон плиталари: устунлар одатда квадрат асосли (пьедестал) пойдеворга қўйилган. Қадимги Рим даврида ва кейинчалик кўпярусли ордер композициялари тарқалди, Қадимги Грецияда ҳам маълум ордер қисмлари пиллястрлар, яримустунлар: ордерларни қўллаш кенг ёйилди ёки гумбазли алоҳида элементлари ва аркали конструкциялар:(Колизей, Ротонда Уйғониш даври аркали устунлари) билан биргаликда шартли равишда деворда ордер қисмлари турли усулларда қўлланилди. XV асрдан ордер ғарбий Европа архитектурасида муҳим элементдан бири бўлди. Классик ордер назарий асосини (XVI-XVIII асрларда Витрувий, Альберти, Виньола) асосий элементларини тўплаб асар қилишди ва каноник нисбатлари изланиши орқали, назариётчилар ўзаро бир-бирлари билан назарий қарши фикрлари билан ва архитектурада тарихий тажрибага асос солинди. Хулоса ўрнида Рим архитектураси жаҳон архитектураси ривожига ўз таъсирини кўрсатди. Архитектура комплексларининг яхлитлиги, шаклларнинг қатъийлиги, композицияни чуқур содаллиги ва тўлиқлиги, буюк режалаштириш қонуниятларининг ифодаси билан энг буюк архитектура даврларини тавсифловчи муҳим хусусият бўлди.



Қадимги Рим архитектураси бино иншоотлари конструкцияси.

1-3- қирқим ротонда конструктив схемаси Пантеон портик ордери; 4- арка асосий кўринишлари; 5-6- қирқим-бетон арка техникаси; 7- Базиликали цилиндрик арка Константин; 8-х симон арка; 9- гумбазли арка; 10 – бетонли девор қирқим билан ёпилган; 11 – Деворни қирқим ёпилмаси а- инцетр; б-ретикулат; 12 – аркали конструкция тошли квадратли; 13- Колизей амфитеатри – аралаш тошли бетон конструкция; 14- Пантеон портиги стропил конструкцияси; 15 – Траян ёғоч конструкцияли кўприги.

References:

1. Anthony White, Bruce Robertson "Architecture— forms, constructions, details". Moscow. 2007.
2. Architecture for all. Chapter – 2.
3. Kilpe T.L. Basis of Architecture. Moscow. 1984.
4. Web sites. www.mosarchinform.ru/ <http://www.greek.ru/>
5. Uralov A.S. Architectural composition and basis of designing. Samarkand. 2005.